



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

“ 28 ” Декабрь 20 20 у

Yaypan shahri 1741 sonli

Атахонов Асадбек Рустамжон ўғлига Шўрсув МФЙ Шўрсув шаҳарчаси ҳудудида давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида қилиб, “Yoshlar mehnat guzari” комплексида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш маркази қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида

Шўрсув МФЙ Шўрсув шаҳарчаси ҳудудида яшовчи фуқаро Атахонов Асадбек Рустамжон ўғли туман хокимлигига қилган мурожаатини кўриб чиқиб, Шўрсув МФЙ Шўрсув шаҳарчаси ҳудудидаги туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар тоифасига кирувчи 0.12 га ер майдонини давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида “Yoshlar mehnat guzari” комплексида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш маркази қурилиши учун ер майдони ажратиш беришни сўраган.

Мазкур масала бўйича туман хокимлиги ҳузуридаги ер танлаш ва ажратиш комиссияси томонидан 2020 йил 8 август кунда қурилишга ер майдони ажратиш далолатномаси тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июнь кунги “Yoshlar-kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сонли Фармонида асосан ёшлар томонидан тадбиркорликни комплекс ривожлантириш ва уларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига фаол жалб қилиш, ёшларнинг янги лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қуватлаш учун барча шарт-шароитларни яратиш учун “Yoshlar mehnat guzari” марказлари биноларининг давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида қурилишни ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Махаллий давлат хокимияти” тўғрисида”ги қонуннинг 6-25-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддасига асосланиб:

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг 2020 йил 8-август кунги давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида “Yoshlar mehnat guzari” комплексида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш маркази қурилишига ер майдони ажратиш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин ҳамда фуқаро А.Атахоновнинг ёзишмаси инобатга олинсин.

2. Шўрсув МФЙ Шўрсув шаҳарчаси ҳудудида яшовчи фуқаро Атахонов Асадбекга Шўрсув МФЙ Шўрсув шаҳарчаси ҳудудида қишлоқ хўжалиги харитасининг № 94-контуридаги туман захирасидаги фойдаланилмайдиган ер майдонидан жами: 0.12 га ер майдонини давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида “Yoshlar mehnat guzari” комплексида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш маркази қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилсин.

3. Қурилишга буюртмачи фуқаро А.Атахоновга:

-Вилоят қурилиш бош бошқармасидан ушбу объект учун Архитектура-режалаштириш топшириғи (АРТ) ҳужжатларини тайёрлатиш, замонавий усулдаги лойиҳасини ҳамда қурилишга руҳсат берувчи бошқа меъёрий ҳужжатларни олиш:

-қурилиш жараёнида тумандаги тегишли идоралар томонидан берилган техник шартларни бажариш:

-қурилиш ва ободончилик ишларни тасдиқланган лойиха асосида амалга ошириш:

-қурилиш ишларни олиб боиш давомида техника хавфсизлигига, меҳнатни муҳофаза қилиш ва қурилиш техниканормативларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш:

-қурилиш ишларини тугаллангандан сўнг янги барпо этилган бинони фойдаланишга қабул қилиш учун туман комиссиясига тақдим этилиши шартини назарда тутилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 27 июнь кунги “Yoshlar kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сонли Фармонига мувофиқ “Yoshlar mehnat guzari” марказлари биноларининг давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида қурилиш қийматини хусусий инвестор маблағлари ҳисобидан 100 фоиз таъминлаш ҳамда Давлат дастурининг амал қилиши ёшлар тадбиркорлиги субъектларига, шунингдек яратиладиган иш ўринларининг 70 фоизидан кам бўлмаган қисмини 5 йил давомида ёшларни иш билан таъминлаш белгилаб қўйилсин.

5. Фуқаро . А.Атахоновнинг “Yoshlar mehnat guzari”комплексини қуришга йўналтирган маблағлари хусусий инвесторнинг солиқ солинадиган базасидан чегириб ташлансин.

6. “Yoshlar mehnat guzari”комплексини муҳандислик комуникацияларига жумладан электр, газ ва сув таъминоти тармоқларига олиб боришни ва улашни туман бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан таъминлансин ҳамда тумандаги Электр тармоқлари корхонаси (Ж.Мелиев), “Водийгазтаъминот” туман филиали (Э.Рахимов), туман Сувоқава ДУК (М.Мадумаров)муҳандислик комуникация тармоқларига олиб борилиши ва уланишига амалий ёрдам бериш вазифаси топширилсин.

7. Туман қурилиш бўлими бошлиғи (О.Вахобов)га:

-фуқарога зарурий ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштиришида амалий ёрдам бериш вазифаси юклатилсин.

8. Фарғона вилояти ДАҚН Ўзбекистон тумани бўлими инспектори (У.Собиров)га:

- қуриладиган бинони лойиха асосида қурилишини назорат қилиб бориш вазифаси топширилсин.


9. Туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи (А.Ражабов)га:

ушбу ер ажратиш ҳақидаги ҳужжатлар тайёр бўлгандан сўнг ер тўғрисидаги ҳисоботларга тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

10.Фуқаро А.Атахоновга мазкур қарорнинг 3-бандида қайд этилган талаблар бажарилмагани ёки қурилиш ишлари қонунда белгиланган муддатларда тугалланмаган тақдирда мазкур қарор ўз кучини йўқотиши ҳақида огохлантирилсин.

11. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари И.Нажмиддинов ҳамда И.Турсуновлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



К. Джураев

Ўзбекистон тумани доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг Шўрсув ШФЙ Шўрсув шаҳарчасида яшовчи Ataxonov Asadbek Rustamjon o'g'liga Шўрсув ШФЙда турган бўш ер майдонида “Yoshlar mehnat guzari” комплексларини қурилиши учун давлат-хусусий шерикчилик асосида ер майдони ажратиш тўғрисида

ДАЛОЛАТНОМАСИ

2020 йил

Яйпан шаҳри

Туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларни танлаш ва ажратиш комиссияси раиси: Қ.Джураев – туман хокими.

Раис ўринбосари: И.Нажмиддинов – туман хокимининг ўринбосари.

Комиссия аъзолари:

- О.Вахобов - туман бош архитектори
- А.Ражабов - туман Ерресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи
- А. Сулаймонов - туман ДСЭНМ бош врач
- Э. Рахимов - “Водийгазтаъминот” УК туман филиали директори
- Д. Рахмонов - туман ИИБ ЁХБ бошлиғи милиция майори
- Ғ.Хамрақулов- Фарғона вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси
Ўзбекистон туман инспекцияси бошлиғи
- Ж.Мелиев - туман электр таъминоти корхона бошлиғи
- М. Мирзарахимов-вилоят “Сув-оқава” ДУК туман филиали раҳбари
- А.Атахонов - Лойиха ташаббускори

Тумандаги Шўрсув ШФЙ Шўрсув шаҳарчасида яшовчи Ataxonov Asadbek Rustamjon o'g'lining туман хокимлигига мурожаат қилиб, Шўрсув ШФЙ Шўрсув шаҳарчаси худудида туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар тоифасига кирувчи 0.12 га ер майдонини давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида “Маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси” маркази қурилиши учун ер майдони ажратиб беришни сўраганлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 27-июн кунги ПФ-5466-сонли “Ёшлар-Келажагимиз” Давлат дастури тўғрисидаги Фармонида асосан жойларда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқариш, ёшлар тадбиркорлигини комплекс ривожлантириш ва зарур инфратузилмани яратиш, Ёшларнинг бизнес ташаббуслари, ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида “Маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси” маркази қурилиши учун майдони танланиб, жойлашув схемалари тайёрланганлиги, ушбу танланган ер майдони жойлашуви туман комиссияси ва Фарғона вилояти архитектура ва қурилиш бош бошкармаси томонидан келишилганлиги ҳисобга олиб, “Yaxshilikka Yondashib” МЧЖга Яйпан шаҳар А.Новоий кўчаси худудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган туман захирасидаги ер майдонидан “Yoshlar mehnat guzari”, комплекси қурилиши архитектура, санитария, ёнғинни олдини олиш ва табиатни муҳофаза қилиш талабларига тўлиқ мос келиши ҳамда муҳандислик тармоқлари муҳофаза зоналарига тушмаслиги аниқланди.

Ажратиладиган ер майдони чегаралари:

- Шимолдан – бўш ер майдон
- Шарқдан - бўш ер майдон
- Жанубдан - Шўрсув - Яйпан йўли
- Ғарбдан - бўш ер майдон

Шўрсув ШФЙ Шўрсув шаҳарчаси ҳудудида давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида “Маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси” маркази қурилиши учун ажратилаётган 0.12 га ер майдони рельефи текислик бўлиб, зилзилага бардошлилиги 8-9 балл.

Мухандислик тармоқлари тегишли ташкилотлар техник шартларига асосан уланади.

Далолатномага нисбати 1:10000 бўлган туман харитасидан кўчирма илова қилинади.

Комиссия раиси:

Қ.Джураев

Комиссия раиси ўринбосари

И. Нажмиддинов

Комиссия котиби:

А.Ражабов

Комиссия аъзолари:

О.Вахобов

А. Сулаймонов

Э. Рахимов

Д. Рахмонов

Ғ.Хамрақулов

Ж. Мелиев

М. Мирзарахимов

А.Атахонов





EKOLOGIYA VA ATROF-MUHITNI MUHOFAZA QILISH SOHASIDA NAZORAT BO'YICHA O'ZBEKISTON TUMAN INSPEKSIYASI

O'zbekiston tumani. A.Navoiy ko'chasi. 1-uy. tel: 539-33-57. Elektron pochta: Uzeko1@umail.uz

20 20 yil "19" "08

№ 71

O'zbekiston t.

Шўрсув МФЙ Шўрсув шаҳарчасида яшовчи Атахонов Асадбек Рустамжон ўғлига Шўрсув МФЙ Шўрсув шаҳарчаси ҳудудида давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида “Миший хизмат кўрсатиш мажмуаси” маркази қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш бўйича

“Миший хизмат кўрсатиш мажмуаси” биноси қуриш учун Ўзбекистон тумани Шўрсув МФЙ ҳудудидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0.12 га ер майдони ажратилиши режалаштирилган.

Ер майдони: шимолдан –бўш ер майдони, жанубдан – Шўрсув-Яйпан йўли, шарқдан – бўш ер майдони, ғарбдан – бўш ер майдони билан чегараланган.

Объект жойлашган ер майдони атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган манбалардан ҳоли масофада жойлашган.

Объект қурилиши ва фойдаланиш даврида ўсимлик ва хайвонот дунёсига зарарли таъсир кўрсатишига, **дарахтларни ноқонуний кесилишига йўл қўйилмасин.**

Оқава сувларни махсус хандакларда тўплансин, очиқ ер майдонларига ва очиқ сув ҳавзаларига ташлашга йўл қўйилмасин.

Объект атрофидаги ер майдонини ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилсин ва доимо тозалиги сақлансин.

“Миший хизмат кўрсатиш мажмуаси” иш фаолияти жараёнида хосил бўлган чиқиндиларни “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонун талабларига асосан объект ҳудудида алоҳида ташкил этилган жойда ўрнатилган идишларда турларга ажратилган холда тўпланиб, туман “Тоза ҳудуд” ДУК билан тузилган шартнома асосида туман марказий чиқиндихонасига олиб бориб жойлаштирилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.10.2018 йил кунги №787 сонли **“Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарорига

5
асосан санитария жихатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қоидаларига барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилиши мажбурий ҳисобланади. Объект ҳудудини ва унга чегарадош ҳудудларни қаттиқ маиший чиқиндилар билан ифлосланишини олдини олиш мақсадида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва вақтинча сақлаш учун мўжалланган махсус чиқинди қутилари “Миший хизмат кўрсатиш мажмуаси” биносига кириш ва чиқиш жойларига ўрнатилсин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган экологик талабларни бажарилиши шарт.

Ушбу объект Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2018 йил кунги №949 сонли қарорига асосан экологик экспертизасининг “Атроф муҳитга таъсири тўғрисида ариза” (АТТА) хулосаси олинishi талаб қилинмайди.

Ўзбекистон туман инспекцияси бошлиғи:



Ф.Ҳамрақулов

Шўрсув ШФЙ Шўрсув шаҳарчасида яшовчи Атахонов Асадбек Рустамжон ўғлига “Ёшлар меҳнат гузари” куриш учун ажратилаётган ер майдонини харитаси

КЎЧИРМАСИ

Нисбати 1:10000




Шартли белгилар:


- 94к - контур рақами
- ариқлар
- йўллар
- ажратилаётган ер майдони

КЕЛИШИЛДИ:

Туман Ер ресурслари ва давлат
кадастри бўлими бошлиғи:

 А.Ражабов

Фуқаро:

 А.Атахонов